

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 154 (12.715)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислон Каримов
6 август куни Оқсаройда
Япония иқтисодиёт, савдо ва
саноат вазири Тошимицу
Мотэгини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, ушбу учрашув мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида фаол ривожланиб бораётган мулоқотларнинг мантикий давоми эканини таъкидлади. Бу ўзаро манфаатли ҳамкорлик, авваломбор, иқтисодий соҳадаги алоқалар ҳолатини баҳолаш ва уни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил февраль ойидаги Японияга расмий ташрифи савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий алоқалар ривожига янги суръат бағишлади, сиёсий ҳамкорликни фаоллаштириб, стратегик шерикликни мазмунан янада бойитди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий шерикларидан биридир. 2013 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 215 миллион АҚШ долларидан ошган. Япония томонидан Ўзбекистонга киритилган молиявий-техникавий воситаларнинг умумий ҳажми 2 миллиард доллардан зиёددир.

Япония компаниялари «Кўкдумалоқ» конида компрессор станциясини ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Самарқанд, Бухоро ва Урганч аэропортларини модернизациялаш каби йирик инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этди. Бугунги кунда Навоийдаги иссиқлик электр станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш бўйича қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Учрашувда энергетика, нефть-газ, кимё ва кон саноати, электротехника, автомобилсозлик ва телекоммуникация соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболлари муҳокама қилинди.

Япония делегацияси таркибиде «Иточу», «Мицубиси», «Марубени», «ЖОГМЕК», «НЭК» каби етакчи компаниялар вакиллари мамлакатимизга ташриф буюргани ва ушбу ташриф доирасида қўшма бизнес-форум ўтказилиши мамнуният билан қайд этилди.

Тошимицу Мотэги самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Япония ҳукумати Ўзбекистон билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

(ЎзА)



**Асрлар давомида миллатимиз
орзиқиб кутган Мустақиллик
айёми мана 23 йилдирки
мамлакатимизда катта тантана
билан нишонланмоқда.**



Ушбу байрамни меҳнатдаги ютуқлар ва катта тайёргарлик билан қутиб олиш юртимиз аҳолиси учун аъёнага айланган. Бугун Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида Энг улуг байрамга тайёргарлик ишлари қизгин тус олган. «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шioriини илгари сурган ҳолда турли тадбирлар, маънавий-маърифий учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилаётди.

Байрамга тайёргарлик ишлари Хамза туманида ҳам жадал суръатларда олиб борилмоқда. Хамза тумани 1968 йилда ташкил топган бўлиб, ҳозир бу ерда 218 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўп миллатли бўлишига қарамасдан туман аҳолиси бир-бири билан аҳил, иноқ ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Майдони 36,5 минг кв.м. бўлган туман ҳудудиде 868 та кўп қаватли ва 15313 та яққа тартибдаги уйлар мавжуд. Кўп қаватли аҳоли турар жойларда ҳозирда куз-киш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Уйларнинг том ва фасад қисмларидаги таъмирталаб жойларга ишлов берилаётди.

Хамза тумани ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилардан ҳисобланади. Бугун бу ерда 3400 дан ортиқ ана шундай муассасалар иш-



ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



ҲАМЗА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

ламқда. Туманда 2014 йилнинг январь-июнь ойлари якуний натижаларига мувофиқ иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичи бажарилди ва барқарор ўсиш суръатлари таъминланди. Жумладан, саноат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишлари ҳажми ва чакана савдо айланмасида бир-мунча ривожланиш кузатилди.

Жорий йилда туманда таълим тизимида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. 198-умумтаълим мактаби қайтадан тўлиқ таъмирланиб, ўқувчиларни қабул қилиш учун шай ҳолатда. Шунингдек, 40 та мактаб-гача таълим муассасаси, 29 та мактаб, 2 та академик лицей, 6 та касб-ҳунар коллежи ва 5 та мусиқа мактаби ёшлар камолоти йўлида хизмат қилмоқда.

Келажак авлодни жисмонан соғлом қилиб вояга етказишда спортнинг ўрни бекиёс. Буни яхши англаган Хамза тумани мутасаддилари ёшларни спортга жалб этиш, улар учун замонавий

спорт масканлари барпо қилиш ва қулай шароитларни яратишга катта эътибор қаратмоқда. Бугун туманда ик-



кита стадион, учта бассейн, саккизта спорт мажмуаси, 50 та спорт заллари ва тўғарақлар ҳамда 58 та спорт майдончалари ёшлар билан гавжум.

Бир сўз билан айтганда, ушбу туман барча соҳаларда юксалиш ва ривожланишда. Туман аҳолиси Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик тўйини улкан ютуқлар ва кўтаринки кайфият билан қутиб олишни мақсад қилган.

(Хамза туманига бағишланган материаллар билан газетанинг
2-саҳифасида танишасиз)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида депутатлик эшитувини ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Олий ва ўрта махсус таълим, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодиётнинг реал тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрлашнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, бу йўналишдаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган ахбороти эшитилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

А.Маматов, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари Д.Турдиев, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори У.Салимов ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида таълим тизимини модернизациялашга йўналтирилган ислохотлар улғайиб келаётган авлодга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, ҳеч кимдан кам бўлмаган, билимли, маънавиятли навақирон авлодни камолга етказишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

органи» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

✓ **ТОШКЕНТ** Давлат техника университети спорт мажмуасида оилавий жамоалар ўртасида «Соғлом оила» шiori остида

спорт мусобақасининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Яго-

насан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги босқичи бўлиб ўтди.

2014 йил 7 АВГУСТ, ПАЙШАНБА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарё вилоятида «Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш — муқаддас бурчимиз» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Бугунги дорилмон кунларнинг қадрига етиш, Ватанини кўз қорачиғидек асраш муқаддас бурч экани, мустақиллик йилларида воҳада қўлга киритилган улкан ютуқ ва марралар ҳақида сўз юритилди.

• Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида суд ҳокимиятининг роли, жиноий жазони либераллаштириш, судга қадар бўлган босқичда суд назорати ҳамда амнистия актини қўллашда суд тартибининг ўрнатилиши», «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари» мавзуларида маърузалар қилинди.

• Фарғонада куз-киш мавсумига тайёргарликнинг бориши, соҳада учраб турган айрим муаммоларни бартараф этиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Нукусда сайловларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда сайловларнинг ошқоралик, холислик ва адолат таъминлашда оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юклатилиши қайд этилди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг «Sony» компанияси электрон китоблар ишлаб чиқаришини тўхтатмоқчи. Бунга сабаб қилиб мазкур маҳсулотларга талаб камайиб бораётгани кўрсатиб ўтилган. Европа ва Австралияда «Kobo», Буюк Британияда «Amazon Kindle», АҚШда эса «Nook» каби он-лайн савдо тармоқлари ана шундай хизмат турларини таклиф этаёпти. Қолаверса, планшетларнинг оммалашуви ҳам электрон китобларга бўлган эҳтиёжни сусайтирган.

• АҚШнинг «Linkedin» ижтимоий тармоғи ходимларига маош тўлашда мавжуд меҳнат қонунларини бузиб келганликда айбланмоқда. Мамлакат меҳнат вазирлиги томонидан аниқланишича, компания Калифорния, Иллинойс, Небраска ва Нью-Йорк штатларида дам олиш кунлари ҳамда иш вақтидан ташқари ҳолатларда ходимлар хизматидан фойдаланган бўлсада, бунинг учун уларга ҳақ тўламаган. Шу боис компания жиддий жаримага тортилиши мумкин.

• Канаданинг Галифакс шаҳридаги халқаро аэропортга «United Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-777» русумли йўловчи самолёти фавқулодда қўндирилди. Бунга лайнернинг ташқи қисмида ёнғин келиб чиққани сабаб бўлган. Тезкор қўрилган чора-тадбирлар натижасида олов самолёт ҳаводалигидаёқ ўчилган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** «Туркистон» санъат саройида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



ҲАМЗА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА



Юртимизда ҳеч бир давлатда учрамайдиган меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ўчоғи бўлган – маҳалла бор. Бу маскан ҳар доим инсонларни тинчлик-осойишталик, дўсту биродарлик, аҳиллик ва бирдамликка қорлайди.

АҲИЛЛИК ВА БИРДАМЛИК МАСКАНИ

Ёшларни маънавий-ахлоқий, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаш ва ривожлантириш, миллий маънавиятимизга зид бўлган салбий таъсирларнинг олдини олишда маҳаллалар муҳим аҳамият касб этади. Шу босис бугун жамиятимизда маҳалланинг ўрни тобора ортиб бориб кетмоқда.

Халқимизда тўй ва байрамларни маҳалла аҳли билан бирга қўтиб олиш ва нишонлашдек яхши одат бор. Бугун юртимизнинг барча маҳаллаларида давлатимиз мустақиллигининг 23 йиллик тантаналарини муносиб қўтиб олишга тайёргарлик кўришмоқда. Маҳалла гузарлари, кўчалар, майдонлар, кўча кўринган гўшалар, зиёратгоҳ ва табаррук қадимжолар тозаланишга яна бир бор эътибор берилиб, ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Худди шундай байрамолди ишлари Ҳамза туманидаги «Янги давр» маҳалласида ҳам қизғин давом этмоқда.

Асосан яқка тартибдаги уйлاردан иборат бўлган маҳаллада Энг улуг ва энг азиз байрамимизни ўзгача иштиёқ билан қўтиб олиш учун тайёргарлик авжиде. Уйлар ва бошқа иншоотларнинг ён атрофи, кўчалар ва бошқа жойларни тозалаш, ободонлаштириш ишлари кетмоқда.

Бугунги кунда «Янги давр» маҳалласида 1356 та оила мавжуд бўлиб, уларда 5820 нафар турли миллат вакилларида иборат аҳоли аҳли, ҳамжиҳатликда истиқомат қилади.

Маҳалламиз тумандаги энг кўзга кўринган, тинч ва осойишта масканлардан бири, – дейди «Янги давр» маҳалласи фаоллари.

Маҳалла оқсоқоли Баҳром аҳлининг кўп қисмини ёшлар ташкил этади. Ёшларимизнинг бандлигини таъминлаш, уларни билимли ва интеллектуал салоҳияти юқори инсон қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан биз ҳам бу борадаги ишларга жуда катта эътибор қаратмоқдамиз. Маҳалламизда ободонлаштириш ишлари изчил олиб борилади. Мустақиллик байрами олдида бу ишлар янада кучайтирилган. Сабаби, Энг улуг байрамимиз мана шундай ўзгача руҳда қўтиб олиш ёшларимиз онгиде Ватанини севиш ва миллий байрамларимизга бўлган ижобий муносабатни ҳам шакллантиради.

Маҳалла оқсоқоли Баҳром аҳлининг айтишича, бу ерда фаолият олиб борадиган тадбиркорлар томонидан кам таъминланган оилаларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келинади. Бу ҳам бўлса маҳалла аҳлининг меҳр-оқибатли, сажийлигидан далолат беради.

«Янги давр» маҳалласи фаоллари ёшларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари ҳам беэътибор эмаслар. Улар маҳалла ҳудудидаги эски кинотеатрни қайтадан таъмирлаш ишларини бошлаб юборишган. Бу иншоот ўсиб келатган ёш авлоднинг маданий дам олиши билан бирга маънавий дунёқарашини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак «Янги давр» барча жабҳаларда тумандаги илғор маҳаллалардан бири ҳисобланади.

СИФАТГА ЭЪТИБОР — САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ

Минг нафардан кўпроқ ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган Ҳамза туманидаги «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамиятида ҳаридор дид ва эътибоддан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилаётган ёғ маҳсулотлари ўзининг сифати билан кўпчилиكنинг эътиборини қозongan.

«Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамиятида 2014 йилнинг биринчи ярмида асосий турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида изчил ишлар олиб борилди. Ўтган давр мобайнида 4493 тонна саломас, 3422 тонна маргарин маҳсулотлари, 1115 тонна қадокланган ёғ, шунингдек, 2336 тонна ўсимлик ёғи, 6709 тонна шрот, 4213 тонна шулҳа ишлаб чиқарилди.

Ушбу жамиятда бугун нафақат пахта ёғи, балки бошқа ўсимликлардан ҳам ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Биргина ўтган олти ойни оладиган бўлсак, 1291 тонна қунабоқар пис-таси қайта ишланиб, ундан 481 тонна ўсимлик ёғи ва 729 тонна шрот тайёрланди.

Бугунги кунда «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти маҳсулотлари дилерлар, тўғридан-тўғри шартнома тузиш ва республика хом ашё биржаси савдолари орқали истеъмолчиларга етказилмоқда. Корхона Тошкент шаҳрининг пахта ёғи бўйича асосий таъминотчиси бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг кўп қисми пойтахт аҳолисига тарқатилади. Корхона шунингдек, бошқа бир қатор ишлаб чиқариш муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, уларга баъзи бир хом ашё маҳсулотларини етказиб беради. Жумладан, ўтган давр мобайнида 2351 тонна саломас маҳсулоти совун ҳамда маргарин ишлаб чиқарувчи корхоналарга етказилди.

Рафинация қилинмаган ва рафинацияланган пахта ёғи ишлаб чиқарилиши ҳамини ошириш мақсадида жорий йилда корхона қатор чора-тадбирларни режалаштирган. Тайёрлов ва форпресс тизимларини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш кўзда тутилган.

Жорий йилда «Тошкент ёғ-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти бир қатор инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мақсад қилган. Ҳозирда инвестиция қиритиш бўйи-

ча иккита лойиҳа татбиқ этилмоқда. Улардан бири «Ёғларни перестерификация қилишни ташкил қилиш» лойиҳаси бўлиб, унинг амалга оширилиш муддати 2014-2015 йилларга мўлжалланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 476 минг АҚШ долларини ташкил этиб, тизимни харид қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва мутахассисларни ўқитиш бўйича Ҳиндистоннинг «Gogan International» компанияси билан шартнома тузилган. Иккинчи режа «Янги қозонхона ҳўжалиги қуриш» лойиҳаси бўлиб, унинг қиймати 960 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу борада Германиянинг «Nowawser Imprex GmbH» компанияси билан шартнома тузилди.

Корхонамизда маҳсулотлар сифатига ва ишлаб чиқариш суръатларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди молия-иш режалаштириш бўлими бошлиғи Бобур Раҳимов. – Истеъмолчиларга қўлайликлар яратиш мақсадида ва уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда янги турдаги идишларда турли ҳажмдаги қандолат мойлари ҳамда қадокланган маргарин маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз. Маргаринларнинг истеъмол хусусиятларини яхшилаш мақсадида рецептураларда янги моддалар қўлланилмоқда.

Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш мақсадида корхона мутахассислари Тошкент вилоятидаги бир қатор фермерлар билан биргаликда ноъанавий мойли экинларни еттиштириш бўйича келишувга эришилди. Унга кўра 6150 гектар ер майдонига махзар, соя, қунабоқар каби мойли экинлар экиб, 5225 тонна хом ашё еттиштириш режалаштирилган.

Корхона мутахассислари маҳсулот таннархини пасайтириш, унинг сифатини ошириш ва турини кўпайтириш устида изланишлар олиб боришни давом эттирмоқда.

ки, ҳар бир соҳада етук кадрларнинг бўлиши мамлакат тарақиёти ва ривожланишидан далолат беради.

Замонавий қурилиш технологиялари асосида таъмирланган мактабда жами 31 та ўқув хоналари, иккитадан компьютер ва лингафон хоналари мавжуд. 42 нафар малакали ўқитувчилар замонавий педагогик технологиялар асосида ўқувчиларга дарс ўтиб келмоқда.

Ўқитувчиларнинг замон талаблари асосида таълим бериши, мактабда яратилган шароитлар туфайли ушбу муассасада билим олаётган кўплаб ёшлар туман, шаҳар, республика ва халқаро олимпиада ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, яхши натижалар кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, мактабда барча фанлардан тўғарақлар фаолият юритади ва шулар қаторида қизлар учун «Спорт гимнастикаси», «Жанг санъати», «Рақс гулдастаси», «Ёш каштачилар» тикиш-бичиш тўғараги, «Нихол» номли тасвирий санъат тўғарақлари мунтазам иш олиб боради.

Саҳифа материалларини Абдуалим САЛИМОВ тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР —

ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада мустаҳкамлаш, бандлигини таъминлаш, таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда иқтисодиётнинг реал тармоқларида кадрларга бўлган талабни аниқлаш механизми, уни янада такомиллаштириш, келгуси йилларга прогноз кўрсатиқлари, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими, бу йўналишдаги ислохотларни ривожлантириш йўналишлари, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Депутатлар томонидан узлуқсиз таълим тизимида сифат ва самарадорликни ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, коллеж ва олий ўқув юртлари ҳамда ишлаб чиқариш тармоқлари ҳамкорлигини ривожлантириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада кучайтириш, бу борада маҳаллий ҳокимликлар ва таълим муассасалари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Бектемир туман ҳокимлигида Тошкент шаҳар ва Бектемир туман прокуратураси ташаббуси билан туман ҳокимлиги ҳамкорлигида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Унда тумандаги назорат қилувчи органлар вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга катта эътибор қаратилиб, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида соҳа янада ривожланмоқда.

Тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз ривожланишининг асосий омилли бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда етакчи қўлга айланган таъкидлаб ўтилди. Соҳани қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тумандаги корхоналар томонидан рақобатбардор ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган ёрдам тадбиркорларимиз фаолиятининг барқарор ва мутаносиб ривожланишига, ташқи бозорда ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллашга, шулар асосида мамлакатимизнинг изчил иқтисодий ўсиши таъминланишига, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга замин яратди.

Тадбирдан кўзланган мақсад тадбиркорлик субъектларига қонунчиликдаги янгиликлар, имтиёз ва преференциялар, ҳўжалик юритувчи субъектларда текширув ўтказиш тартиби юзасидан маълумотлар беришдир, – дейди Бектемир тумани прокурори вазифини бажарувчи Қозимжон Ҳамитжанов. – Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига қаратилган таълим, уларни текшириш ҳўлатлари кескин камайиб, эркин ишбилармонлик муҳити яратилган. Соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қабул қилинган қонунлар юртимизда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларида учраётган муаммоларни назорат қилувчи орган ва идоралар томонидан тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантиришга ҳар томонлама қўмак бериш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Абдували СОДИҚОВ

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Мамлакатимизда таълим ва ўқитиш тизимини ривожлантириш, хусусан, умумий ўрта таълимни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ёшларимизнинг билим эгаллаши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, дарс жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш борасида салмоқли ишлар олиб борилаётган.

Давлатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб ёшлар тарбияси, уларнинг билим олиши ва касб-хўна эгаллашига давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратила бошланди. Таълим бериш ва ўқитиш тизими янгиланиб, ўн икки йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Таъмирталаб мактаблар босқичма-босқич реконструкция қилиниб, янги жиҳозлар ва ўқув қуроллари билан таъминланди. Бу борадаги ишлар ҳамон давом этмоқда. Бунга Ҳамза туманидаги 198-мактаб мисолида қўришимиз мумкин.

Мазкур мактаб 2013 йилда капитал таъмирланди. Лойиҳа бўйича 860 ўринга мўлжалланган ушбу таълим

даргоҳида ҳозирда 25 та синфда 780 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Мамлакатимизда ёшларни билимли, ҳар томонлама етук, интеллектуал салоҳияти юқори инсон этиб тарбиялаш масаласига бугун янада кўпроқ эътибор қаратилмоқда, – дейди 198-мактаб раҳбари Нарғиза Холмухамедова. – Ушбу эътибор ва яратилган имкониятлар самараси ўлароқ кўплаб ёшларимиз халқаро олимпиада, танлов ва мусобақаларда ўзларини кўрсатишмоқда. Давлатимиз раҳбари айтганларидек, ёшлар бизнинг келажғимиз. Чун-

Ватан туйғуси нималарда намоён бўлади?

Не-не файласуфу шоирлар бу саволга жавоб излаб ўз таъриф-тавсифларини баён этганлар. Охир-оқибат барча фикр-мулоҳазалар бирикиб: «Ватандин ўзга ёр ўлмас!» – деган ифода юзга келган. Бу ибора, бу дунёда кишига Ватанидан бошқа дўст бўлмайди, деган маънони англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1998 йил ёзида тарихчи олимлар билан ўтказган учрашувида юртимиз ва халқимиз тарихи билан боғлиқ бир муҳим хусусиятни қайд этган: **яшаш учун ўта қулай имкониятларга эга бўлган, зилол сувлари, саховатли ери бўлган жаннатмонанд юртимиздан ҳеч қачон ҳеч бир эл бошқа ўлкаларга кўчиб кетмаган!** Ҳақиқатдан, ўзбек халқи азал-азалдан ўз она юрти, оиласи, қадриятига ҳамиша содиқ бўлиб келган улуг халқдир.

Аммо истибоддод замонида, айниқса, 1917 – 1930 йилларда, яъни шўро даврининг машум сиёсати туйғайли баъзи ватандошларимиз юртни тарк этишга мажбур бўлган эдилар.

Тарих ҳали ҳеч кимнинг ёдидан чиққан эмас. Ўша хорижда яшаганлар Ватанининг – Ўзбекистоннинг бир қисм тупроғига зор бўлишган. **«Ҳеч бўлмаса, қабримга сепилар», – деб, юртимизга келаётганлардан бир ҳовуч тупроқ олиб боришларини илтимос қилганлар қанча эди...**

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан эътиборан икки бир-бирига тамоман қарама-қарши тузум ўртасидаги «темир девор» олиб ташланганидан кейин дунё ўзининг биқик қобигидан чиқди. Шу тариқа бирин-кетин эски тузум асосларида яшаган давлатлар мустиқлашга эришиб, янги тузумга – бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлатга ўта бошлади.

Ушбу тузумнинг бир муҳим хусусияти шуки, иқтисодий интеграция ривожланди. Бир мамлакатда ишлаб чиқаришган товар дунёнинг хоҳлаган бурчагида сотилавериши, оламнинг у четидан бу четига инвестиция киритилавериши мумкин...

Ўзбекистон мустиқлигига эришган, мамлакатимизда барча имкониятлар эшиги очилди, мулк ўз эгасини топди. Кўплай янги корхоналар, тадбиркорлик тузилмалари ташкил этилиб, доимий равишда янги иш ўринлари яратилмоқда. Шунингдек, меҳнат миграцияси борасида ҳам одамларнинг қонуний асосларда хорижий мамлакатларда ишлашлари учун имконият пайдо бўлди.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, бозор муносабатларини шакллантириш, моддий манфаатдорлик ва рақобатга асосланган иқтисодиётни жорий этиб, уни янгидан изга қўйиш, хусусий мулкни ривожлантириш, ишлаб чиқаришда нодавлат сектор ҳиссасининг ошириб бориши амалда ҳар бир фуқародан иқтисодий қарашларини тубдан ўзгартириб, уни янги ўзига содиқ олишни тақозо этди.

Ҳозир шахримизнинг ҳар бир туманида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мавжуд. Уларда ўз тумани ҳудудидаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар базаси бор. Шахримиз фуқароси, ўзи қайси туманда яшаётганидан қатъи назар, хоҳлаган туман меҳнат ва бандликка кўмаклашиш марказига мурожаат қилиши, шу тариқа ўзига мос иш топиши мумкин.

Меҳнат миграцияси – жаҳоннинг деярли бутун ҳудудини қамраб олган глобал масала. Аммо, таъкидлаш икки уч бўлгани каби, миграциянинг ҳам бир-бирига қарама-қарши икки қирраси бор.

Айни пайтда, меҳнат миграцияси икки давлат учун ҳам қатор муаммоларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Мигрантларни қабул қилган давлат учун бу аҳолини жойлаштириш, уларни бошқариш, ўзида амалда бўлган қонунлар асосида яшашга ўргатиш, улар яшайдиган жойларда санитария-гигиена тартиб-қоидаларига амал қилишга эришиш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби масалаларни ҳал этиш қатта мураккабликлар туғдиради.

Ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, ўзга давлатдан келган аҳоли ўзи билан бирга дунёқарашини ҳам олиб киради. Бу дунёқараш орқали ижобий жиҳатлар юқса, хўп-хўп, аммо ижтимоий ҳаётга салбий таъсирлар ҳам тарқала бошласа-чи?

Баъзан ишлаш учун бошқа мамлакатларга чиқиб кетган шахс давлат, оила учун ҳам бирмунча муаммолар туғдириши мумкин.

Биринчидан, ота-оналар, айниқса аёлларимиз ўзга юртга иш қидириб кетса, оила мустақамлигига путур етади. Болалар ёлғизликда ўсишга мажбур бўлади. Шу ўринда ҳаётий мисолни айтиб ўтиш жоиз. ...Бир аёлнинг турмуши бўлмади. Уч бола она билан қолган. Она ишлаш учун хорижга кетибди. Болаларга пул юбориб турар экан. Яқинда шу болалар онасига: **«Онажон, бизга пулингиз эмас, ўзингиз, меҳрингиз керак!»** – деб хат ёзишди. Халқ билиб айтди: **«Отасиз етим – гул етим, Онасиз етим – шум етим».**

Иккинчидан, ноҳўя йўллар орқали четга ишлаш учун кетган кишининг ижтимоий ҳимоясини, яъни ҳаёти хавфсизлигини таъминлашни ўз юртидан туриб қафолаштириш имкони бўлмайди.

Учинчидан, четда ишлаб келаётган баъзиларнинг дунёқарашини ўзгартириши мумкин. Айниқса, хорижга чиқаётганларнинг бир қисмини ёшлар ташкил қилишини, улар ҳар хил ёт таъсирларга берилувчан бўлишини ўйласак, бу муаммоларнинг жамиятга қанчалар хавф туғдиришини тасаввур қилишимиз мумкин бўлади. Айтилайки, кўп қаватли уйда турасиз. Бир йўлакдан бир нечта оила аъзолари кириб чиқади. Йўлагимиздаги хонадонларнинг бирига янги оила кўчиб келди. Шу оиладаги йигитча жуда хушмуомала, серсалом қиқди. Лекин кейинги пайтлар у, негадир, салом бермай ўтиб кетаверадиган одат чиқарди. Ҳамма хайрон. Кейин маълум бўлишча, салом берадиган Ҳасан, салом бермайдиган Хусан экан. Хусан хорижда бир неча йил ишлаб қайтибди. Бир йўлакда яшайдиган қўшниларга салом бериш кераклиги унинг ёди-хаёлида ҳам йўқ. У бундай ўзбекона юксак маънавиятимизни унутиб бўлган. Бу-ку бир салом экан. Мабоодо, ўша четда меҳнат қилаётган ёшларимиз маънавиятимиз, миллий менталитетимизга қарши бўлган ёт ғоялар таъсирига тушиб, заҳарланиб қайтаётган бўлса-чи?!

Албатта меҳнат миграцияси табиий жараён-дир. Лекин бунда муайян шарт-талабларга риоя қилинган бўлиши керак. Аввало, қонуний равишда, шартномалар асосида, тайинли ишга бориш, иш берувчининг фуқаромиз учун ҳар тарафлама масъулиги қонуниан қафолатланган бўлиши лозим.

Масалан, Жанубий Кореяга ишга бораётганларни олайлик. Аввало, бу масала икки давлат тегишли идора ва ташкилотлари ўртасидаги ўзаро келишув асосида амалга оширилади. Ишга кетаётганлар олдиндан ҳар тарафлама кўрик-танловдан ўтказилади. Бунда меҳнат салоҳияти, саломатлиги, ёши ва ҳоказо жиҳатлари ўрганилади. Ишчи кучи у ердаги ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб танланади. Шарт-шароитлар тушунтирилади. Фуқаро билан иш берувчи ташкилот ёки корхона ўртасида олдиндан ўзаро шартнома имзоланади. Бунда шартнома муддати, меҳнатга ҳақ тўлаш қатъиятлари белгиланади, иш берувчи ёлланма меҳнат кишининг яшашини учун замон талаблари даражасида шароитлар ҳозирлаб беришни бўйига олади. Аммо бу жараён ҳамма жойда ҳам бундай кечмайди. Қонуни четлаб ўтувчилар учун арзон ишчи қучи асқотади.

Тўғри, айрим кишилар қонуний йўллар билан хорижий мамлакатларга бориб, ишлаб, тажриба алмашиб келишяпти. Қайтганидан кейин эса ўрганган тажрибаларини юртимизда қўллаб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларимиз ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Бунга яна анча мисол келтириш мумкин.

Аммо ўзимизда кўплай иш ўринлари, барча шароитлар яратилганлигига қарамай баъзиларнинг кингир йўллар билан хорижга иш излаб чиқиб кетаётгани ташвишли ҳолдир. Ахир у ерда уни тап-тайёр иш қутиб тургани йўқ. Яшаш жойининг ҳам тайини йўқ. Айимлар бориб олиб, иш тополмай, қайтиш билети учун ҳам пул йиғол-

Мулоҳаза учун мавзу

ВАТАН САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСИР

Бу улуг туйғунинг қадрини турли ножўя йўллар билан ўзга юртларда иш қидириб аянчли аҳволга тушиб қолаётганлар тушунишармикан?

май, овораяо сарсон бўлиб юрибди. Бу охир-оқибат одам савдосига олиб келадиган асосий омилку. Вақтинча мўмай даромад топаман деб солиғидан айрилиб қолганлар оэми? Шу кўпларга сабоқ бўлиши керак. Халқ билиб айтди: **ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу.**

Бир танишимизнинг айтишича, қариндошлардан иборат олти киши хориждаги шаҳарларнинг бирида бир бойвачанин ховлисини қуриб бериш учун ёлланибди. Уй эгаси кечаси уларни темир гаражга киритиб, устларидан қулфлаб кетар экан-у, эрталаб келиб ўзи очар экан. Бир кун кечаси гараж атрофида ёнгин содир бўлибди...

Энг ёмони, бутун меҳнат миграциясининг нотўғри йўллари моҳиятан айнан одам савдосига айланиб бораётгани боис қанчадан-қанча фирмалардан хорижда мўмай даромадли иш толиб беришни ваъда қилиб, ҳатто одамларни сотяпти ҳам.

Фуқароларимиз, биринчи навбатда, ўзимизда ишлаши, ўз оиласи бағрида бўлиши лозимдир, бунинг учун ҳар бир соҳада иш ўринлари етарли. Бунга авваламбор, ўз юртига садоқат, ишга қаноат ва рағбат бўлса бас.

«Ўз уйинг – ўлан тўшагинг», – дейди доно халқимиз. Ноконуний йўллар билан хорижга ишга кетган фуқароларнинг меҳнат стажи нима бўлади? Эртага – пенсияга чиқиши учун муайян, яъни аёллар учун камида 20, эркеклар учун камида 25 йилдан иборат стаж керак-ку. Борингки, у бир неча йиллини қўрбон қилиб, ишлаб, оэми-қўлми даромад ҳам толиб келди, дейлик. Аммо у келиб, ўз мамлакатимизда яшаб, ишлаб кетиши учун олдиндан бирор бир ишнинг этагини тутган бўлиши лозим. Унда бундай қўниқмалар шаклланмай қолса-чи? Орада эса ёш ўтиб қолган... Яна бир гап. Хорижда ноконуний «қунбай» тарзида ишлаб юрган баъзи кимсалар бир умр «гастербайтер» деган тамгани кўтариб юришлари ачинарли ҳол.

Хорижга иш излаб кетганларнинг ҳаммаси ҳам ўзга юртларда тайинли иш топа олаётгани йўқ. Чунки ҳеч ерда ҳам иш ошиб-топиб ётган эмас. Кўплари тўрғак кунини кўриб, баъзилари, ҳатто, юқорида эътиборланганидек, қайтиб келиш иложини ҳам тополмай сарсон. Ишлаётганлардан кўпининг турмуши аянчли аҳволда. Меъёрадагидек шароитда яшаш учун у ерларда ижара ҳақи, оэик-овқат – ҳаддан ташқари қиммат. Охири нима бўлади?..

Шунинг учун бугунги кунда меҳнат миграцияси масаласи ўта долзарб муаммолардан бирига айланган и ҳеч кимга сир эмас.

Шахримизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш учун фуқароларнинг ички ва ташқи миграцияси мониторингини юритиш, чет давлатлардан қайтган фуқаролар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бориш, аввало, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдамлашиш, чет давлатларга кетган фуқароларимизнинг у ердаги фаолиятига аниқлик киритиб бориш зарур.

Тошкент шаҳрида аҳолининг ташқи ва ички миграциясини ҳисобга олиш ишларини кенг йўлга қўйиш, бунда фуқаролар йиғинлари ва мутасадди ташкилотларнинг масъулиятини ошириш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2013 йил 26 июлда **«Тошкент шаҳри аҳолисининг ташқи миграциясини ҳисобга олиш ва тарғибот ишларини йўлга қўйиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги фармойиши қабул қилинди.

Бугунги кунда фармойиш талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир туманда хориж давлатларига кетган ва

у ердан қайтган фуқаролар мониторинги марказлари ташкил этилди. Шу тариқа хорижий давлатларга кетган ва у ердан қайтган шахсларни ҳисобга олиш тизими шакллантирилган.

Маҳаллаларда чет давлатларга чиқиб кетиб, у ердан қайтиб келган шахслар ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хориждан қайтган фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чора-тадбирлари белгиланган. Фуқароларнинг у ерларда нима иш билан шуғулланаётгани, оиласи билан алоқаси бор-йўқлиги масалалари ўрганилиб борилади. Маҳалла фуқаролар йиғинларида бу борада тизимли иш ташкил этилган. Оқсоқол, профилактика ҳамда бандлик бўйича инспектор иштирокида хорижда ишлаётган шахсларнинг яшаш манзилига аниқлик киритилмоқда. Хорижга кетган оилалар билан алоҳида суҳбат ўтказиб, чет элга кетиш сабабларининг ўрганилиши лозим бўлганда тегишли таъсир чораларини кўриш имконини бермоқда.

Фуқаролар ишсизлигининг олдини олиш мақсадида Бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан тақдим этилаётган иш жойлари ўрганилиб, кейин маҳалла идорасида ташкил этилган бурчакка реал иш ўринлари ҳақида аниқ маълумот жойлаштириляпти. Шу тариқа ҳар бир маҳалла идорасида шаҳардаги мавжуд бўш иш ўринлари бурчакка ташкил этилди. Унда корхонанинг номи ва манзили, талаб этиладиган мутахассислик, тақлиф этиладиган лавозим ва ойлик маош, мулоқот учун телефон кўрсатилган.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 майдаги фармойишига мувофиқ, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, чет давлатлардан қайтган шахсларни ишга жойлаштириш вазифалари амалга оширилмоқда.

Хусусан, маҳаллалар ҳудудларида истиқомат қилаётган 11 мингдан зиёд зиёли, тадбиркор, корхона-ташкилот раҳбар-ҳодимига тавсия этган ҳолда, яъни улар кўмағида ишсиз бўлган шахсни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу тариқа бугунги кунда 18 мингдан ортиқ фуқарони ишга жойлаштиришга эришилди. Шунингдек, хориж давлатларига ишлаш учун кетганларни Ватанга қайтариш мақсадида уларнинг ота-онаси, оила аъзолари билан ҳам бўш иш ўринлари тақлиф этилиб, суҳбат ўтказилмоқда.

Натижада 516 нафар фуқаронинг ота-оналари таъсири орқали ўз жойига қайтиб келишига эришилди.

Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинларида тегишли чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли ўртасида ушбу мавзуга бағишланган фильм ва кўрсатувлар намойиш этилмоқда. Одам савдоси қурбонлари билан четга ишга кетмоқчи бўлган ёшлар ўртасида бево-

сита мулоқот ҳам уюштирилиб, ушбу суҳбатлар жараёнида у ердаги ҳақиқий ҳолат ва шароитлар ҳақида батафсил маълумот бериб бориляпти.

Кўриляётган чора-тадбирларга қарамай меҳнат миграцияси бугун шунчалар долзарб бир муаммога айланиб боряптики, қилинган бу ишлар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас. Бу борада ишларни янада жонлантиришимиз, ушбу масалалар оқилона муносабатни шакллантиришимиз, таъсирчан чоралар кўришимиз зарур.

Меҳнат миграцияси билан боғлиқ ишларни янада яхшилаш учун:

– ҳар бир маҳаллада обрўли, зиёли, ҳаёт тажрибасига эга бўлган фуқаролардан иборат ишчи гуруҳи тузиб, чет давлатга чиқиб кетганлар оилаларини ўрганиш ва уларни оиласига қайтариш чораларини кўриш;

– ички ишлар идоралари, тиббиёт муассасалари ва Бандликка кўмаклашиш марказлари мутасадди ҳодимлари иштирокида ҳар бир маҳаллада режа жадвали асосида узоқ муддатга чиқиб кетганлар оила аъзолари билан жойларда суҳбатлар ўтказиш;

– чет давлатлардаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларига республикада яратилган янги иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумотлар етказиш;

– республикада ташкил этилган янги иш ўринлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш юзасидан яратилган шароитларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш;

– аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ватанпарварлик ғоялари тарғиботини кучайтириш лозим бўлади.

Бугунги кунда ушбу масала ҳаммани ўйлантириши керак. Унинг оқилона ечимини топиш учун кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлигида иш олиб бориши давр талаби бўлиб турибди. Хорижда ишлаб қайтганларни ўз холига ташлаб қўймаслигимиз лозим. Турли мутасадди ташкилотлар улар билан ишлаши, бўш иш ўринларига тақлиф этиши, уларнинг тезроқ жамиятга қўшилиб кетишини таъминлаш учун қайғуриш, тушунтириш ишларини қайғуриш зарур.

Ҳатто, қадимдан Ватанга садоқат хусусида халқимизда **«Ўзга юртининг шохи бўлгунча ўз юртининг гадоси бўлган афзал»,** – деган азалий ҳикмат бор. Ёки Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг **«Ўзбекистон»** шеърининг дилгир мисраларини ёдга олайлик. У шундай бошланади:

**О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга,
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасан бедапоянгга.**

Юртни хориждан устун қўйиш сал ўтмай яна давом этади:


**Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандиринга қилишмасан мен.
Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,
Сенисиз бир он қолсам, ваҳим келади.
Сени биланларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.**

Ҳа, азизлар, Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Бугун бу улуг туйғу ҳар бир ватандошимизнинг юрагидан қатъий жой олиши лозим.

Зеро, барчамиз шу азиз Ўзбекистонимизнинг ривожини йўлида сидқидилдан хизмат қилишни ҳамиша инсоний бурчимиз деб билайлик!

Шундай эмасми?

Олим МАҲМУДОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ватан олдидаги бурч инсон учун муқаддасдир.

* * *

Ким ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди.

* * *

Ватандан ташқарида бахт йўқ,

Ҳар ким жонажон дерида яшнасин, унсин.

* * *

Она юрт – олтин бешик.

* * *

Киндик қонинг тўкилган замин – Ватандир.

* * *

Ҳар бир кишининг Ватани қалб тўридан жой олган.

* * *

Ватанининг нон-тузини оқлаган одамнинг кўкраги тоғ.

* * *

Ватан тақдири – ҳар бир кишининг тақдиридир.

* * *

Ватани севмоқ саодатдир,

Шу юрт кишилари-чун бу – одатдир.

* * *

Ўзингни Ватанга қанчалар яқин ҳис қилсанг, уни шу қадар жонли вужуд каби тасаввур қиласан.

* * *

Ватанга нафи йўқ яшалган ҳар кун.

Инсон ҳаётида қолур бемазмун.

* * *

Ватан – она сўзи нақадар лазиз,

Сенсан ҳар нарсадан азиз.

* * *

Олиймақом ватанпарварлик – Ватан фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилишдир.



Мирзо Улугбек туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан «Локомотив» номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ягонасан, муқаддас Ватанам, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тадбирда сўзга чиққан Мирзо Улугбек тумани ҳокими Ш.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллиги йилларида ҳар бир соҳада амалга оширилган ислохотлар, ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор ва уларнинг бугунги кундаги юксак парвозлари ҳусусида тўхталиш баробарида, йиғилганларни Мустақиллигимизнинг йиғирма уч йиллиги билан муборакбод этишди.

Шунингдек, эстрада хонандаси Умид Шохобов, таниқли ёш актёр Дилшодбек Каттабеков, «Элдидо» гуруҳи аъзолари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари, дилбар рақслари билан тадбир иштирокчилари қалбида ҳўш кайфият уйғотишди.

Кеча сўнгиди «Локомотив» номидаги маданият ва истироҳат боғи маъмурияти томонидан тадбирга ташир буюрган ҳам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар аъзолари, имконияти чекланган болажонларга байрамолди сарғаси сифатида истироҳат боғига бепул чипталар тарқатилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Юнусобод туманидаги 21-сонли умумий ўрта таълим мактабида вояга етмаган ёшлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда.



Оромгоҳ «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишқари бўйича комиссияси, Ҳалқ таълими бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилиб, унга пойтахтимизда истиқомат қилувчи 140 нафар вояга етмаган ва фаол ёшлар жалб қилинди.

— Ёшликнинг ўзи инсон ҳаётининг баҳорига қиёсланади, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим мудири Ўткир Маҳкамов. — Барча учун қадри бўлган бу ширин дамларнинг шуқуҳи ҳам ўзгача. Юртимизда Истиқлолнинг илк қўнлариданоқ, маърифат ва маънавият тараққиёт мезони, деб белгиланди. Зеро, азалдан юксак марраларни кўзлаган ҳар қандай миллат, ҳалқ учун таълим ва маънавиятни риҳожлантириш — энг муҳим масала бўлиб келган. Бугун ҳам ёшлар маънавиятини ошириш, уларни ҳар томонлама баркамол шахс сифатида вояга етказиш ана шундай долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур оромгоҳни ташкил этишдан кўзланган мақсад ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг дунёқарашини янада бойитиш, маънавий тарғибот

тадбирлари орқали уларнинг билим савиясини ошириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Куни кеча оромгоҳнинг тананали очилиш маросими ўтказилди. Унда «Капалак», «Юлдузчалар», «Шунқорлар», «Дўстлик» каби 8 та гуруҳ ўзларининг широрларини ай-

дузчалар» гуруҳи тарбиячиси Малика Байманова. — Оромгоҳда уларнинг қизиқишларига қараб турли тадбирлар ўтказиш режалаштирилган. «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар» широри остида миллий спорт турлари ва ҳалқ ўйинлари бўйича спорт фестивали, «Камалак шоу» мада-

Бундан ташқари жалб қилинган психологлар томонидан ҳар бир иштирокчининг руҳий ҳолати ўрганилади. Мазкур ўрганиш натижаларига асосланиб, кейинчалик Ҳаракат ҳодимлари мазкур ёшлар билан тизимли равишда ишларни ташкил этишди.

— Таътилни мазмунли ўтказиш учун ташкил этилган оромгоҳ менга манзур бўлди, — дейди «Капалак» гуруҳи аъзоси Муслима Зокирова. — Масканда янги дўстлар ортираиб, билимларимизни янада бойитиш, яхшидан олган ҳолда янги ўқув йилини бошлаш имкони мавжудлигидан жуда мамнунман.

Оромгоҳ доирасида ўтказилган барча тадбирларда фаол иштирок этган ёшлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, вояга етмаган ёшлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳининг иккинчи мавсумини 12-16 август кунлари Чилонзор туманидаги 200-сонли умумтаълим мактаби қошидаги ёзги оромгоҳда ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур оромгоҳга 120 нафар ёшлар қамраб олинади.

Зиёда РАСУЛОВА

Ислом Исмоилов олган суратлар

«Камолот»

КЎНГИЛЛИ ҲОРДИК ЧИҚАРИШМОҚДА

тиб, ўзаро дўстлик ришталарини боғлашди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент шаҳар бўлими жамоаси томонидан музикали дастур, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек, Олмазор туманлари маданият ва спорт ишлари бўлимининг бадиий-ҳаваскорлик хонандалари томонидан қўйилган қўшиқлар болажонларнинг кайфиятини янада кўтарди. Барча ёшларни рақсга қорлади.

— Бу ерда ёшларнинг кўнгилли Ҳордик чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи бошланғич таъкилот етакчиси, «Юл-

ний дастури, «Соғлом ҳаёт сари» широри остида семинар-тренинглари, «Қувноқ футбол» ўйинлари ва бошқа тадбирлар шуллар жумласидандир.

Тўрт кун давом этадиган тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи доирасида маънавий тарғибот тадбирлари, психологик тренинглари, спорт мусобақалари, таниқли эстрада хонандалари иштирокида концерт дастурлари, санъаткорлар билан ижодий учрашувлар, ёшлар маънавиятини оширишга хизмат қиладиган кинофильмлар намоиши, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари ҳамда музейларида саёҳатлар уюштириш режалаштирилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратишга доимий эътибор қаратилмоқда. Соғлом бола йилида спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар сафи янада ортмоқда.

МАҲАЛЛАЛАРДА ЧЕМПИОНЛАР УЛҒАЙМОҚДА

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган устувор вазифалар белгиланган. Уларнинг ижросини таъминлаш борасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, маҳалла ёшлари ўртасида ташкил этиладиган турли мусобақалар навқирон авлоднинг спортга қизиқишини кучайтириш, уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик инсонлар бўлиб улғайишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

— Жорий йилда пойтахтимиздаги маҳаллаларда спортнинг футбол, шахмат, шашка, теннис, кураш каби турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими масъул котиби Зухриддин Асомов. — Қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган «Футболимиз келажаги», «Маҳалламиз паҳлавонлари», «Отам, онам ва мен — спортчи оила» каби анъанавий мусобақалар ёшларнинг спортга қизиқишини ошириш, уларнинг соғлом турмуш тарзига оид кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Мисол учун, жорий йилда «Футболимиз келажаги» мусобақасида жами 108 минг 700 нафардан зиёд ёш футболчи иштирок этди. Ушбу рақамнинг ўзиёқ болалар ўртасида мазкур мусобақа тобора омалашаётганидан далолатдир.

«Футболимиз келажаги» республика мусобақаларининг Тошкент шаҳар босқичи Олмазор туманидаги «Истиқлол» спорт

мажмуаси ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда туман босқичида ғолиб бўлган маҳаллалар жамоалари ўзаро куч синашди. Мусобақа уч ёш тоифаси — 9-10, 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил болалардан иборат жамоалар ўртасида ўтказилиб, унда Хонобод, Журжоний, Роҳат, Оқтепа, Бешқайрағоч, Олмазор маҳаллалари ёшлари ўз ёш тоифасида ғолибликни қўлга киритди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиладиган «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири ҳам маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг кураш турини омалаштиришга хизмат қилмоқда. Мусобақанинг шаҳар босқичи «Сағбон» кураш спорт мажмуасида ўтказилди. Унда 2000-2001 йилларда туғилган ўғил ва қиз болалар олти вазн тоифасида ўзаро баҳс олиб борди. Мусобақанинг маҳаллалараро ва туман босқичларида жами 2 минг 700 нафардан ортиқ спортсевар ёш қатнашди. Шунингдек, «Отам, онам ва мен — спортчи оила» мусобақасининг туман босқичларида жами 3 мингга яқин оила қатнашди.

Бу каби мусобақалардан кўзланган асосий мақсад ўғил-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омалаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш, оилалар ўртасида соғлом муҳитни қорор топтиришдан иборатдир. Бундай саёй-ҳаракатлар туфайли бугун жаҳон ва қитъа чемпионатларида истиқлол фарзандлари — ёш спортчиларимиз совринли ўринларни тобора кўпроқ қўлга қиритаётди.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎЗА)

Бу — қизиқ!

ГУМБАЗ ОСТИДА ШАҲАР

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳри етакчи бадавлат қишлоғи яқин кўнлар ичида дунёдаги илк гумбаз остидаги шаҳар қурилишини эълон қилишди. Ҳаво ҳароратини назорат қилиш имконияти бўлган шаҳар мавзуси сўнгги юз йилликнинг илмий-фантастик мавзуларидан бири эди. Энди ушбу лойиҳанинг ҳаво аниқлиги иссиқ бўлган Бирлашган Араб Амирликларида амалга оширилиши кутилмоқда. Метрополини майдонни ҳақиқий шаҳарча кенглигига тенг бўлиб, унинг 750 минг квадрат метр савдо майдони ҳамда дунёдаги энг катта усти ёпиқ ҳиббон бўлиши кутилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳудудда юзга яқин меҳмонхона, маданият марказлари ва шифохоналар барпо этилади. Шаҳарнинг барча туманлари ҳаво ҳарорати назоратига ага бўлади.

СЕЛФИ ҲОЛАТИНИНГ ТАЛҚИНИ

АҚШ психиатрия ассоциацияси «селфи» (мобиль телефон камераси ёрдамида ўзини ўзи суратга олиш) ҳаракатини расман руҳий ҳалатлик деб тан олди. Психиатрларнинг фикрича, ўзини суратга олиш ўзига ишончининг камлиги билан боғлиқ экан. Мутахассислар ушбу касалликнинг учта тури мавжудлигини қайд этишмоқда. Кун бўйи ўзини суратга олиб, интернетга қамида 6 та сурат жойловчилар касаллигининг энг оғир турига дучор бўлган деб топилди. Олимлар ҳозирча ушбу салбий одатга даво топишолмади.

ОШҚОЗОНДАГИ «НОЁБ» ТОПИЛАМА

76 ёшли британиялик аёлнинг ошқозонидан 25 йиллик фломастер жарроҳлик амалиёти йўли билан олиб ташланди. Шифокорлар аёлнинг ошқозонидан узоқ йиллар давомида сақланган фломастернинг ҳалигача фойдаланиш учун яроқли эканидан ҳайратга тушиболмоқда. Аслида ошқозондаги «топилама» аниқлашга аёлнинг кескин озби кетishi сабаб бўлган. Бу ҳолатдан шикоят қилган аёл ошқозонини УЗИ ёрдамида текширган шифокорлар унинг ичагида узун ва текис бир нарсани борлигини аниқлашди. Фломастер жарроҳлик йўли билан олиб ташлангандан кейингина, 76 ёшли аёл бундан 25 йил аввал қора рангдаги фломастерни ютиб юборганини эслади.

БИТТА ТУПДА ҲАМ ПОМИДОР, ҲАМ КАРТОШКА

Британиянинг Thompson & Morgan компанияси дунёдаги барча фермерлар орзу қиладиган бир истакни амалга оширишга муваффақ бўлди. Яқинда бир туپнинг, юқори қисмида помидор, пастки қисмида картошка етиштирилиши мумкин бўлган актин уруғлари сотувга чиқарилиди. Ушбу гибрид ўсимлик шартли равишда TomTato деб номланди. Ушбу ном инглизча tomato — инглизча помидор ва potato картошка сўзлари умумлашмасидан пайдо бўлган. Помидорнинг таъми бошқа навларга қараганда ширинроқ, картошкалар эса бошқаларидан фарқ қилмайди. Айтиш керакики, бу турдаги ўсимликни етиштириш учун 15 йил тадқиқот ишлари олиб борилди. TomTato ҳам иссиқхонада, ҳам очик ҳавода етиштириш мумкин.

БОШҚА ТЕНГДОШЛАРИДАН ФАРҚИ ЙЎҚ

Боливия нейрохирурглари болаликдан сабабсиз тўхтовсиз қулиш касаллигини чалинган қизалоқни даволашга муваффақ бўлишди. «Атрофдагилар уни руҳий ҳаста, ақли заиф деб ҳам масҳаралашарди», — дейди қизалоқнинг яқинларидан бири. Томография орқали шифокорлар қизалоқ миёнининг қаъсига кўлишга аниқ борилигини аниқлашди. Қизалоқнинг сабабсиз қулишига ана шу гамартома сабаб бўлганлиги тасдиқланди. Жарроҳлик йўли билан гамартома олиб ташлангач, қизалоқ сабабсиз қулишдан бўлди, аниқ дамада унинг бошқа тенгдошларидан фарқи йўқ.

ХАЁЛ БИЛАН СУРАТГА ОЛИШ

Хайл билан суратга олиш ва уни ижтимоий тармоқларга юклаш имкониятини берувчи дастур яратилди. Дастур Mind RDR деб номланди ва у хайл билан бошқарилади. Дастур ёрдамида баримоларни ишлатмасдан суратга олиб, Facebook Twitterга жойлаш мумкин. Бу ҳақда CNN хабар берди. Mind RDR нинг кенгайтмаси Mind Reader — «хайл ўқувчи» аслида ҳаёлининг ўқимайди. У Google Glass ва NeuroSky MingWave гаджетларини бirlаштиради. Бу икки гаджет тақтилдан сўнг, миёнинг ҳаракатлари ўлчанади ва Google Glass орқали кўриниб турган манзара суратга олинади. Худди шу каби суратлар ижтимоий тармоққа жойланади. Mind RDR дастурини ишлатиш учун 1500 долларга Google Glass ва 80 долларга NeuroSky MingWave гаджетларини сотиб олиш керак бўлади.

«АҚЛИ» УЙ ГАДЖЕТЛАРИ

Samsung, Dell ва Intel каби йирик ишлаб чиқарувчилар ақли уй гаджетларини стандартлаштиради. Dell ва Intel каби йирик ишлаб чиқарувчилар ақли уй гаджетларини стандартлаштириш устида бирлашмоқда. Бунда уйдagi термостат, музлаткич каби буюмларни бир-бири билан боғлана олганлиги қизиқ учун умумий қондалар ишлаб чиқарилади. Бу ҳақда Mashable нашри хабар берди. Лойиҳада Microsoft, LG, Panasonic, Sharp, Qualcomm каби жами 51 электроника ва дастурли таъминот билан шуғулланувчи компания ёрдамида фойдаланилади. Масалан, ҳозир Samsung музлаткичи Sony телевизорни билан «аппаратура» олмайдди. Чунки ҳар бир компания гаджетларида бошқа компанияниги ўқша бўлмаган дастурлардан фойдаланилади. Стандартлаштириш натижасида эса барча компанияларнинг буюмлари биргаликда ақли уй ҳосил қиладди ва улар бир-бири билан бемалол боғлана олади.

МИНИ СМАРТФОН ЯРАТИЛАДИ

LG компанияси тез орада янги LG G3 S мини смартфонни тақдим этимоқчи. Янги мини флагман икки сим қартали бўлади. Эвлияк эълон қилган суратда эса сим қарталарни алмаштириш тугмасини ҳам кўриш мумкин. Қурилманинг дизайни LG G3 смартфонни билан ўхшаш бўлади. Унда 5 дюймли IPS дисплей, 1,2 GHz частотага эга BG Qualcomm Snapdragon, 2 GB тезкор ва 16 GB доимий хотира ўрнатилди.

Унинг аккумулятори 2450 мА соатни ташкил этади ва нархи 400 доллар атрофида бўлади.

Муҳаммадjon БОЗОРОВ тайёрлади



Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра,

Тошкент шаҳрида 8 август кунини ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёлғизарчилик бўлмайди. Шарқдан қуриқлик 3-8 метр тезлашади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кун-

дузи — 37-39 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 8 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади, тағмиқдорни наст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 855

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёлфонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6527 нускада босилди.

Қоғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамини» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

1 2 3 5